


ТДИУ ҲАЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -  
МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ”  
йўналиши**

**“ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
УСУЛЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** **Т.Шодиев** Тошкент халқаро Вестминстер университети кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Тақризчи:** **Махмудов Носир Махмудович** ТДИУ “Макроиктисодиёт” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

*Модулнинг иичи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашишининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I.	<b>Ишчи дастур.....</b>	<b>4</b>
II.	<b>Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....</b>	<b>13</b>
III.	<b>Назарий материаллар.....</b>	<b>18</b>
IV.	<b>Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>49</b>
V.	<b>Глоссарий.....</b>	<b>61</b>
VI.	<b>Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>73</b>

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли ва 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йилнинг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3775-сонли ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим муассасаларида эконометрика ва илмий тадқиқот усулларини дарс бериш жараёни ва илмий тадқиқотда қўллаш борасидаги назарий - услубий муаммолар, тамойиллар, амалий ечимлар, илғор мамлакатларнинг тажрибаси ҳамда меъёрий-хуқуқий хужжатларнинг моҳияти, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари тингловчиларга баён этилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умуний малака талаблари ва ўқув режалари асосида

шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари “ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ” модулининг мақсади:**

- педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган микдорий тизимли таҳлил усусларини қўллаш орқали касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

### **“ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ” модулининг вазифалари:**

- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг профессионал билим, тизимли таҳлил этиш кўникма, дарс бериш ва талабалар билимини назорат қилиш компетентлигини ошириш;

- педагогларнинг жаҳон рейтингида қатнашишдаги ижодий-инновацион фаоллигини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитишга тубдан янгича ёндашиш ва дистацион ўқитиш усусларини қўллашга ўқув - услубий материалларни тайёрлаш ва қўллаш кўникмаларини сингдириш;

- махсус фанларни етакчи халқаро университетлар даражасида ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш, талабаларнинг амалий кўникмаларини, танқидий фикрлаш ва инновациялар яратиш маҳоратини шакллантириш;

- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини Университет – З.дастури дорасида илм, маърифат ва ишлаб чиқаришдаги ўзаро интеграциясини таъминлаш кўникмаларини кучайтириш;

- Соҳага тегишли халқаро (Scopus) журналларида мақолаларни чоп этиш маҳоратини шакллантириш, рақобат шароитида ишлаш тажрибасини ошириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Эконометрика ва илмий тадқиқот усуллари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар қўйидаги янги профессионал билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- макроиктисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегияларининг илмий-амалий асосларини;
- эконометрик усуллар ва моделлар турларини, жумладан, тизимли дастурлар пакетларини;
- барқарор иқтисодий ўсиш индикаторларини прогнозлаш усуллари ва моделларини;
- иқтисодиётнинг инновацион тараққиётининг илмий-амалий асосларини ;
- иқтисодий кўрсаткичлар ва индикаторларни тизимли миқдорий таҳлил этиш, синтезлаш ва прогнозлаш асосларини **билиши керак.**

### **Тингловчи:**

- макроиктисодий ва микроиктисодий индикаторларни миқдорий таҳлил этиш ва синтезлаш, фойдаланилмаган резервларни аниқлаш, ноxуш тенденцияларни прогнозлаш;
- эконометрик моделлар ёрдамида барқарор иқтисодий ўсиш омилларини аниқлаш;
- миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва инновацион тараққиёti қонуниятларини билишга таяниб, иқтисодий жараёnlарни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш ва натижада халқаро(Scopus) журналларда мақола чоп этишда эконометрика ва илмий тадқиқот усулларини қўллаш;
- макроиктисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёnlардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

### **Тингловчи:**

- иқтисодий жараёnlарни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар эволюциясини англаш, илмий тушунчаларни (категорияларни) қарорлар қабул қилишда фойдаланиш;
- иқтисодий жараёnlарни амалий эконометрик таҳлил қилиш;
- инновацион ривожланиш жараёnlарини тадқиқ қилишда эконометрик моделлар тизимида фойдаланиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда маҳсус компьютер дастурларидан (STATA, EVIEWS) фойдаланишга оид **малакаларига эга бўлиши зарур.**

### **Тингловчи:**

- жаҳондаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни чукур таҳлил этиш ва олинган хулосаларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бериш ҳамда иктиносидиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- макроиктисодий кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- эконометрик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- тузилган эконометрик моделларни тармоқлар ва корхоналар фаолиятига кўллай олиш;
- тизимли таҳлил асосида кластерларни барпо этишда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- тармоқлар ва корхоналар иктиносидий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- реал сектор тармоқлари ва корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқиш **компетенцияларга эга бўлиши зарур.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ”** курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойихалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги бошыя ихтисослик фанлари билан биргаликда узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва илмий тадқиқот усулларини қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		жами	Аудитория ўқув юкламаси		
			Назарий машрутот	Амалий машрутот	Жумладан Кўчма машрутот
1	Эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари	4	2	2	
2	Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш	2		2	
3	Ишлаб чиқариш функциялари. Иқтисодий самарадорликни аниқлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш	4	2	2	
4	Динамик қаторлар асосида эконометрик моделлар тузиш ва тизимли таҳлил этиш.	6	2	4	
5	Макон ва замон бўйича тупланган маълумотлар( <b>Panel Data</b> ) асосида эконометрик моделларни тузиш	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари**

Эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари, иқтисодиётда эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги, эконометрик модель тушунчаси, турлари ва ундаги ўзгарувчилар, эконометрик моделлаштириш босқичлари.

## **2-мавзу: Ишлаб чиқариш функциялари. Иқтисодий самарадорликни аниқлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш**

Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари, чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли иқтисодий боғланишлар, умумлаштирилган ва бевосита “энг кичик квадратлар усули”, эконометрик модель параметрларининг иқтисодий таҳлили ва эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш, эконометрик моделларни баҳолаш, вақтли қаторлар ва уларни прогнозлаш.

## **3-мавзу: Динамик қаторлар асосида эконометрик моделлар тузиш ва тизимли таҳлил этиш.**

Динамик вақтли қаторлар, улардаги тенденцияни аниқлаш. Динамик вақтли қаторларни стационарликка текшириш. Коинтеграция. Автокорреляция ва авторегрессия. AR ва VAR моделлари. Уохонсон ва Гренжер тести. Моделларни таҳлил этиш ва тавсиялар яратиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ** **1-амалий машғулот:**

### **Эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари**

Эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари, иқтисодиётда эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги, эконометрик модель тушунчаси, турлари ва ундаги ўзгарувчилар, эконометрик моделлаштириш босқичлари. Дастурий таъминотлар: Excel, Stata, Eviews дастурларида ишлаш

### **2-амалий машғулот:**

### **Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш**

Иқтисодий-ижтимоий жараёнларда боғликлар турларини ўрганиш, корреляция коэффициентининг турлари ва ҳисоблаш усуллари, чизиқли ва чизиқсиз регрессион боғланишлар, корреляцион-регрессион таҳлилда “энг кичик квадратлар” усулининг қўлланилиши. Excel дастурида ишлаш

### **3-амалий машғулот:**

### **Ишлаб чиқариш функциялари. Прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш**

Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари, чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли иқтисодий боғланишлар, умумлаштирилган ва бевосита “энг кичик квадратлар усули”, эконометрик модель параметрларининг иқтисодий таҳлили ва эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш, эконометрик моделларни баҳолаш, вақтли қаторлар ва уларни прогнозлаш. Stata, Eviews дастурларида ишлаш

#### **4-амалий машғулот:**

#### **Динамик қаторлар асосида эконометрик моделлар тузиш ва тизимли таҳлил этиш.**

Динамик вақтли қаторлар, улардаги тенденцияни аниқлаш. Динамик вақтли қаторларни стационарликка текшириш. Коинтеграция. Автокорреляция ва авторегрессия. AR ва VAR моделлари. Уохонсон ва Гренжер тести. Моделларни таҳлил этиш ва тавсиялар яратиш

#### **5-амалий машғулот:**

#### **Макон ва замон бўйича тупланган маълумотлар (Panel Data) асосида эконометрик моделларни тузиш**

Динамик вақтли қаторларнинг ностационарлиги. Маълумотларни вақт ва макон бўйича тўплаш зарурати. Ўзгармаган самара (Fixed Effect) ва тасодифий самара (Random Effect) моделлари. Уларни тузиш ва таҳлил этиш

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Мазкур модулнинг ўқув режасида кўчма машғулотлар режалаштирилмаган.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуросалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **АДАБИЁТЛАРРЎЙХАТИ**

#### **I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: “Халқ сўзи” 28.12.2018.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга

оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 22-январдаги ПФ-5308-сон Фармони <http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //<http://www.aza.uz/oz/documents/>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги 2017 йил 8 февралдаги №ПФ-4947 сонли Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори. //Халқ сўзи. 2017 йил 21 апрель.

8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Т.: Ўзбекистон, 2016. -56 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

10. "Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили". Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндадари билан учрашувидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2016 йил 31 декабрь.

11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноября қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

## **II. Махсус адабиётлар**

1. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 19-изд. - М.: ИНФРА-М, 2015. – 916 стр.

2. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

3. James H. Stick. Introduction to Econometrics. Third edition. Addison – Wesley.2011.

4. Introductory Econometrics A Modern Approach F i f th Edition Jeffrey M. Wooldridge Michigan State University, 2013.

5. Humio Hayashi: Econometrics is published by Princeton University Press and copyrighted, © 2000, by Princeton University Press, 2014.

6. Introductory Econometrics,A Modern Approach, 4e, Jeffrey M. Wooldridge Michigan State University, 2014.

7. Introductory Econometrics for Finance SECOND EDITION Chris Brooks The ICMA Centre, University of Reading, 2015.

8. Замков О.О. и др. Математические методы в экономике: Учебник. - М.: Изд-во «Дело и сервис», 2009.

9. Количественные методы в экономических исследованиях: Учебник для вузов /Под ред. Ш.В.Грачевой, М.Н. Фадеевой, - М.: ЮНИТИ -ДИАНА, 2010.

10. Эконометрика. Учебник /Под.ред. И.И. Елисеевой.- М.: ФиС, 2010.

11. Кремер Н.Ш. Эконометрика: Учебник. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.

12. Доугерти К. Введение в эконометрику. -М.: ЮНИТИ, 2006.

13. Замков О.О. Эконометрические методы в макроэкономическом анализе. - М.: ДиС, 2010.

14. Замков О.О. Математические методы и модели. -М.: ДиС, 2008.

15. Магнус Я.Р. Эконометрика: Начальный курс. -М.: Дело, 2008.

### **III. Интернет ресурслар**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

2. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)

3. [www.naaba.uz](http://www.naaba.uz)

4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«Блум кубиги» методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий қуб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
  - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
  - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
  - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қарашиб саволи)
  - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
  - Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
  - Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### **“KWHL” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Изоҳ. KWHL:**

*Know – нималарни биламан?*

*Want – нимани билишини хоҳлайман?*

*How - қандай билиб олсан бўлади?*

*Learn - нимани ўрганиб олдим?.*

<b>“KWHL” методи</b>			
<b>1. Нималарни биламан:</b>	<b>2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b>		
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b>	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b>		

## “W1H” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзуу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳирлаш мумкин)	

## “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



## “ВЕЕР” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармокли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарarlари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хулоса:**

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнимкамларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнимкамлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Хар бир катақдаги түғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



## Тест

## Муаммоли вазият

## Тушунча таҳлили (симптом)

## Амалий вазифа

### “Инсерт” методи

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунин ёритилған матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **ЭКОНОМЕТРИКА ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

##### **1-мавзу: Эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари**

Натижа ва омил, сабаб ва оқибат таҳлили. Регрессион таҳлилнинг эконометрик назарияси. Бир омилли ва кўп омилли регрессия. Боғлиқликларни ўрганишда корреляцион таҳлилдан фойдаланиш. Корреляция коэффициенти ва унинг турлари. Корреляция ва ковариация коэффициентлари. Корреляция коэффициентининг ишончлилигини текширишда қўлланиладиган тестлар.

Жуфт чизиқли регрессия. Энг кичик квадратлар усули. Гаусс-Марков теоремаси. Регрессия коэффициенти тўғрисидаги гипотезаларни текшириш. Гетероскедастлик ва гомоскедастлик. Кўп омилли регрессия моделини спецификациялаш. Омилларнинг мултиколлинеарлиги. Уни бартараф этиш усуллари. Чизиқли бўлмаган регрессион моделлар. Чизиқсиз регрессия функцияларини моделлаштиришнинг умумий стратегияси

Эконометрик усуллар оддий анъанавий усулларни инкор этмасдан, балки уларни янада ривожлантиришга ва объектив ўзгарувчан натижа қўрсаткичларини бошқа қўрсаткичлар орқали муайян таҳлил қилишга ёрдам беради. Эконометрик усулларнинг ва компьютерларнинг миллий иқтисодиётни бошқаришда афзалликларидан бири шундаки, улар ёрдамида моделлаштирувчи объектга омилларнинг таъсирини, натижа қўрсаткичига ресурсларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатиш мумкин. Бу эса ўнлаб тармоқлар ва минглаб корхоналарда ишлаб чиқариш натижалари ва миллий иқтисодиётнинг илмий асосда прогнозлаштириш ва бошқаришга имкон беради.

**Эконометрика=экономика+метрика.** Эконометрик моделлаш иқтисодий қўрсаткичларни ўзгариш қонуниятларини, тенденцияларни аниқлаш натижасида эконометрик моделлар ёрдамида иқтисодий жараёнларни ривожланиш ва прогнозлаш йўлларини белгилайди.

Иқтисодий маълумотлар динамик қатор ёки динамик устун кўринишида тузилади, яъни улар вақт бўйича ўзгарадилар. Кузатувлар сони омиллар сонидан

4-5 марта күйроқ бўлиши керак.

**Эконометрикани асосий мақсади** – омиллараро боғланишларни, ўзгариш қонуниятларни ва тенденцияларни ўрганиш ҳисобланади.

Эконометрик моделлаштириш ва моделларнинг аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади:

- 1) Эконометрик усуллар ёрдамида моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланилади.
- 2) Эконометрик усуллар ва моделлар иқтисодий ва табиий фанларни ривожлантиришда етакчи восита бўлиб хизмат қиласди.
- 3) Эконометрик усуллар ва моделлар ёрдамида тузилган прогнозларни умумий амалга ошириш вақтида айрим тузатишларни киритиш мумкин бўлади.
- 4) Эконометрик моделлар ёрдамида иқтисодий жараёнлар факат чуқур таҳлил қилибгина қолмасдан, балки уларнинг янги ўрганилмаган қонуниятларини ҳам очишга имкони яратилади. Шунингдек, улар ёрдамида иқтисодиётнинг келгусидаги ривожланишини олдиндан айтиб бериш мумкин.
- 5) Эконометрик усуллар ва моделлар ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш билан бирга, ақлий меҳнатни енгиллаштиради, иқтисодий соҳа ходимларининг меҳнатини илмий асосда ташкил этади ва бошқаради.

Асосий эконометрик усуллар – бу математик статистика усуллари ва эконометрик усуллар.

Математик статистика усуллари - дисперсион таҳлил, корреляция таҳлили, регрессия таҳлили, омилли таҳлил, индекслар назарияси.

Эконометрик усуллар - иқтисодий ўсиш назарияси, ишлаб чиқариш функцияси назарияси, талаб ва таклиф назарияси.

Эконометрикани ўрганиш жараёни – бу иқтисодиёт, иқтисодий жараёнларнинг эконометрик моделларини тузиш жараёнидир.


Асосий қўлланадиган усули – корреляцион-регрессион таҳлил усули.

Эконометрик моделлаштириш қуидаги илмий йўналишлар комплексидир:

- иқтисодий назария;
- эҳтимоллар назарияси;

- математик статистика;
- компьютер технологиялари.

## Эконометрик тахлил боскичлари



Эконометрик модель – бу эҳтимоллик - стохастик модель. Бу модель ёрдамида иқтисодий кўрсаткичларни ўзгариш қонуниятларини математик кўринишида тенгламалар, тенгсизликлар ва тенгламалар тизими кўринишида ифодалаш мумкин. Умумий кўринишида эконометрик модель қўйидагича ёзилади:

$$Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$$

Эконометрик моделда  $Y$  – асосий эндоген кўрсаткич, моделда  $Y$  ўзгариш қонуниятларини  $(x_1, x_2, \dots, x_n)$  ёрдамида ўрганиш мумкин.

$(x_1, x_2, \dots, x_n)$  – таъсир этувчи, экзоген кўрсаткичлар.

Эконометрик моделда фиктив кўрсаткичлар қатнашиши мумкин. Фиктив кўрсаткичлар – бу сифатли кўрсаткичлар миқдорий кўрсаткичларга ўтказилган кўрсаткичлар.

Эконометрик модель чизиқли ва чизиқсиз кўринишида тузилиши мумкин:  
Чизиқсиз моделлар парабола, гипербола, даражали функция, кўрсаткичли

функция, тригонометрик функция ва бошқалар кўринишида бўлиши мумкин.

Тузилган эконометрик моделнинг ҳақиқийлиги тўпланган маълумотлар ҳажмига; маълумотларнинг аниқлик даражасига; тадқиқотчининг малакасига; моделлаштириш жараёнига; ечиладиган масаланинг характеристига боғлиқ.

#### **4. Эконометрик моделлаштириш босқичлари**

##### **Эконометрик моделлаштириш босқичлари:**

**Биринчи босқич** – спецификациялаш - иқтисодий муаммони қўйилиши – асосий омиллар грухи танланади, иқтисодий маълумот тўпланади, асосий омил ва таъсир этувчи омиллар грухи белгиланади; корреляцион таҳлил усули ёрдамида эконометрик моделда қатнашадиган омиллар аниқланади.

**Иккинчи босқич** – идентификация қилиш. «Энг кичик квадратлар усули» ёрдамида тузиладиган эконометрик моделнинг параметрлари аниқланади.

**Учинчи босқич** – верификация қилиш. Тузилган моделни аҳамияти тўртта йўналиш бўйича текширилади:

- моделнинг сифати кўпликдаги корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг аҳамияти аппроксимация хатолиги ва Фишер мезони ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг параметрларини ишончлилиги Стьюодент мезони бўйича баҳоланади;
- Дарбин-Уотсон мезони ёрдамида «Энг кичик квадратлар усулининг» бажарилиш шартлари текширилади.

**Тўртинчи босқич** – тузилган ва баҳолангандай эконометрик модел ёрдамида асосий иқтисодий кўрсаткичлар прогноз даврига ҳисобланади.

Ижтимоий-иктисодий жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш эконометрика фанининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараёнда икки хил белгилар ёки кўрсаткичлар иштирок этади, бири боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар, иккинчиси боғлиқ ўзгарувчилар ҳисобланади. Биринчи турдаги белгилар бошқаларига таъсир этади, уларнинг ўзгаришига сабабчи бўлади. шунинг учун

улар омил белгилар деб юритилади, иккинчи тоифадагилар эса натижавий белгилар дейилади. Масалан, истеъмолчининг даромади ортиб бориши натижасида унинг товар ва хизматларга бўлган талаби ошади. Бу боғланишда талабнинг ортиши натижавий белги, унга таъсир этувчи омил, яъни даромад эса омил белгидир.

Омилларнинг ҳар бир қийматига турли шароитларида натижавий белгининг ҳар хил қийматлари мос келадиган боғланиш корреляцион боғланиш ёки муносабат дейилади. Корреляцион боғланишнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бунда омилларнинг тўлиқ сони номаълумдир. Шунинг учун бундай боғланишлар тўлиқсиз ҳисобланади ва уларни формулалар орқали тақрибан ифодалаш мумкин, холос.

Корреляция сўзи лотинча *correlation* сўзидан олинган бўлиб, ўзаро муносабат, мувофиқлик, боғлиқлик деган маънога эга.

Икки ҳодиса ёки омил ва натижавий белгилар орасидаги боғланиш **жуфт корреляция** деб аталади.

Корреляцион боғланишларни ўрганишда икки тоифадаги масалалар кўндаланг бўлади. Улардан бири ўрганилаётган ҳодисалар (белгилар) орасида қанчалик зич (яъни кучли ёки кучсиз) боғланиш мавжудлигини баҳолашдан иборат. Бу корреляцион таҳлил деб аталувчи усулнинг вазифаси ҳисобланади.

Корреляцион таҳлил деб ҳодисалар орасидаги боғланиш зичлик даражасини баҳолашга айтилади.

Омилларнинг узаро боғланиши 2 турга булинади: функционал боғланиш ва корреляцион боғланиш.

Йуналишларнинг ўзгаришига караб, боғланишлар икки турга бўлинади: тўгри боғланиш ва тескари боғланишлар.

Аналитик ифодаларнинг кўринишларига қараб ҳам боғланишлар икки турга бўлинади: тўгри чизиқли ва чизиксиз боғланишлар.

Функционал боғланишларда бир ўзгарувчи белгининг ҳар қайси қийматига бошқа ўзгарувчи белгининг аник битта қиймати мос келади.

## 2. Корреляция коэффициентининг турлари ва ҳисоблаш усуллари.

Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини аниқлаш ва уларнинг муҳимлигини, ишончлилигини баҳолашга асосланади. Боғланишлар чизикли бўлса, у ҳолда боғланиш зичлиги баҳолашда корреляция коэффициентидан фойдаланиш мумкин:

$$r = \frac{\overline{x \cdot y} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y},$$

бу ерда,  $\sigma_x$  ва  $\sigma_y$  мос равишда  $x$  ва  $y$  ўзгарувчиларнинг ўртача квадратик четланишидир ва улар қуидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n}}, \quad \sigma_y = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}{n}}$$

Шунингдек, корреляция коэффициентини ҳисоблашнинг қуидаги модификацияланган формулаларидан хам фойдаланиш мумкин:

$$r = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{n \cdot \sigma_x \cdot \sigma_y} \text{ ёки } r = \frac{n \sum_{i=1}^n xy - \sum_{i=1}^n x \sum_{i=1}^n y}{\sqrt{\left[ n \sum_{i=1}^n x^2 - \left( \sum_{i=1}^n x \right)^2 \right] \cdot \left[ n \sum_{i=1}^n y^2 - \left( \sum_{i=1}^n y \right)^2 \right]}}.$$

Корреляция коэффициенти ( $r$ )  $-1$  дан  $+1$  оралиғида бўлади. Агар  $r = 0$  бўлса омиллар ўртасида боғланиш мавжуд эмас,  $0 < r < 1$  бўлса, тўғри боғланиш мавжуд  $-1 < r < 0$  - тескари боғланиш мавжуд  $r = 1$  функционал боғланиш мавжуд.

Боғланиш зичлик даражаси одатда қуидагича талқин этилади.

Агар 0,2 гача – кучсиз боғланиш;

$0,2 \div 0,4$  – ўртача зичликдан кучсизроқ боғланиш;

$0,4 \div 0,6$  – ўртача боғланиш;

$0,6 \div 0,8$  – ўртачадан зичроқ боғланиш;

$0,8 \div 0,99$  – зич боғланиш.

## 3. Чизикли ва чизиксиз регрессион боғланишлар.

Ижтимоий-иктисодий жараёнлар ўртасида боғланишларни ўрганишда

қуидаги функциялардан фойдаланилади

<b>Чизикли</b> –	$y = a_0 + a_1x$
<b>Иккинчи даражали парабола –</b>	$y = a_0 + a_1x + a_2x^2$
<b>Учинчи даражали парабола –</b>	$y = a_0 + a_1x + a_2x^2 + a_3x^3$
<b><math>n</math>-даражали парабола –</b>	$y = a_0 + a_1x + a_2x^2 + \dots + a_nx^n$
<b>Гипербола –</b>	$y = a_0 + \frac{a_1}{x}$
<b><math>b</math> - даражали гипербола –</b>	$y = a_0 + \frac{a_1}{x^b}$
<b>Логарифмик –</b>	$\log y = a_0 + a_1x$
<b>Ярим логарифмик –</b>	$y = a_0 + a_1 \ln x$
<b>Кўрсаткичли функция –</b>	$y = a_0 a_1^x$
<b>Даражали функция –</b>	$y = a_0 x_1^{a_1}$
<b>Логистик функция –</b>	$y = \frac{a_0}{1 + a_1 e^{-bx}}$

#### **4. Корреляцион-регрессион таҳлилда энг кичик квадратлар усулининг қўлланилиши.**

Регрессион таҳлил натижавий белгига таъсир этувчи омилларнинг самарадорлигини аниқлаб беради. Регрессия сўзи лотинча *regressio* сўзидан олинган бўлиб, орқага ҳаракатланиш деган маънога эга. Бу атама корреляцион таҳлил асосчилари *Ф.Гальтон* ва *К.Пирсон* номлари билан боғлиқдир. Регрессион таҳлил натижавий белгига таъсир этувчи белгиларнинг самарадорлигини амалий жиҳатдан етарли даражада аниқлик билан баҳолаш имконини беради. Регрессион таҳлил ёрдамида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг келгуси даврлар учун башорат қийматларини баҳолаш ва уларнинг эҳтимол чегараларини аниқлаш мумкин. Регрессион ва корреляцион таҳлилда боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимол (ишончлилик даражаси) билан баҳоланади, сўнгра иқтисодий-статистик таҳлил қилинади.

Функциялар параметрлари одатда “Энг кичик квадратлар” усули билан аниқланади. Энг кичик квадратлар усулини мазмуни қуидагича: хақиқий

миқдорларнинг текисланган миқдорлардан фарқининг квадратлари йигиндиси энг кам бўлиши зарур

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 \rightarrow \min$$

Бир омилли чизиқли боғланишни олайлик:

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 = \sum (Y - a_0 - a_1 t)^2 \rightarrow \min$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_0} = 0 \quad \frac{\partial S}{\partial a_1} = 0 \quad \rightarrow \begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum y \cdot t \end{cases}$$

### **Мустақил ишлаш учун назорат саволлари:**

1. Корреляцион-регрессион таҳлилнинг мақсадлари нималардан иборат?
2. Жуфт, хусусий ва кўплиқдаги корреляция коэффициентларининг фарқи нимадан иборат?
3. Қайси ҳолларда корреляция индекси қўлланилади?
4. Регрессия коэффициентларининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
5. “Энг кичик квадратлар усули” нинг моҳиятини тушунтириб беринг.
- 6. Нормал тенгламалар тенгламасини ечиш усулларини тушунтириб беринг.**
- 7. Реал иқтисодий жараёнлар бўйича турли хилдаги боғланишларга 10 та мисол тузинг.**

### **Кўп омилли эконометрик моделларни тузиш услубиёти.**

Кўплиқ корреляцияси тасодифий кўрсаткичлар грухси ўртасидаги боғланишларни ўрганади. Иқтисодий таҳлилда кўплиқ корреляция усулини қўлланилиши ҳисоблаш техникаси яратилганидан сўнг кенгайди ва қисқа муддатда катта ютуқларга эришилди, ҳам иқтисодий, ҳам математика фанларини ривожланишига ўз улушкини қўшди.

Кўплиқ (кўп омилли) корреляция усули мураккаб жараёнларни таҳлил

қилишнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Бу усул мураккаб жараёнларда рўй берадиган алоҳида ҳодисаларни моделлаштириш ва башорат қилиш имконини беради. Кўп омилли корреляция усулидан фойдаланиш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

